

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2022-yil 4-avgust, payshanba

№ 29 (9193)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг улкан жасорати ва матонати билан 1991 йил 31 августда қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, қадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеадир.

Айнан миллий мустақиллик эл-юртимиз учун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шу жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустақам замин яратиб, эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлиб келмоқда.

Айниқса, сўнги йилларда, дунёда коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, кескин рақобат, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар туфайли юзага келган ғоят оғир ва мураккаб вазиятда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни жаҳонга тараннум қилиш бўйича муҳим натижаларни қўлга киритаётганимиз, бу ютуқлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани, энг асосийси, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгариб, улар ислохотлар самарасини кундалик ҳаётида ҳис қилиб яшаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, туб ислохот жараёнларини янги босқичга қўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадри, шаъни ва ғурурини етакчи ўринга олиб чиқиш устувор вазифамизга айланган ҳозирги вақтда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатимизнинг худудий яхлитлиги ва бўлинмаслиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлик, диний баррикенглик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга интилиш кўп миллатли халқимизни янада бирлаштирадиган, юксак марраларга сафарбар этадиган бекиёс кучга айланиб бормоқда.

Буюк истиқлолимизнинг халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, юртимизни ҳар томонлама эркин, обод ва фаровон мамлакатга айлантиришдаги улкан аҳамият ва моҳиятини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб кўтиб олиш ва ушбу кўтлуг санани юксак даражада нишонлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ;

“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғояни ўзида мўжассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А.Арипов):

Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Мустақиллик байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда кенг нишонланишини таъминласин;

барча худудларда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишлаб маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намоёндалари, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбобларидан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб боришини йўлга қўйсин;

белгиланган чора-тадбирлар қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир худуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини ўз йиғилишларида мунтазам равишда эшитиб борсин.

(Давоми 2-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ПАХТАЧИЛИКДАГИ ЯНГИ ОДИМЛАР

ёхуд 40 центнерлик маррани кўзлаб

Суҳбатдошимиз Азизбек Абдусаломов деҳқон фарзанди. Бобосининг номи мамлакатга танилган. Абдусалом ота Қодиров (охиратлари обод бўлсин) Мингбулоқ чўлдашларини серҳосил дала, боғларга айлантирган механизатор бўлган. Отаси Бахтиёржон Қодиров ҳам ота касбини улуғлаб кам бўлмади. Қишлоқ хўжалиги олийгоҳини тамомлади.

Мустақиллик шарофати билан ер эгаси, мулкдор бўлди. Ривожланган фермер хўжалигининг бошқарувчисига айланди. Ерга меҳр бериб, эвазига мўл-кўл ҳосил етиштиришнинг ўзига хос Мингбулоқ мактабини яратди. Ютуқлари орқасидан давлатимизнинг ордени, мукофотларини олишга эришди. Ўғли Азизбекнинг ҳам болалиги бобоси, дадаси меҳнат қилган далалар бағрида кечди. Улардан деҳқончилик илмини ва бой тажрибаларини ўрганиб кам бўлмади. Қишлоқ



хўжалигига меҳр қўйди. Институтни битириб, фермер бўлди. Туман, вилоят ҳокимлиги ёш мутахассисга катта ишонч билдириб, аввалига Мингбулоқ тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раислигига, кўп ўтмасдан вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши

раислигига ишга ўтказишди. Ҳозирда вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифасида фаолиятини давом эттирмоқда. Суҳбатдошимиз бизга пахтачилик соҳасининг бугуни, эртаси ҳамда бу борада Наманган вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

Мен бугун вилоятда 2017-2022 йилларда қишлоқ хўжалигининг пахтачилик соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва самарали ишлаш тизими, унинг эътироф этса арзигулик натижалари ҳақида ўз фикр, мулоҳаза ва тақлифларимни билдирмоқчиман.

(Давоми 2-саҳифада)

Эътироф



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР

Оҳангарон туманида аҳолига тиббиётнинг катта ютуғи – телемедицина асосида хизмат кўрсатилмоқда

Бир вақтлар “зангори экран” орқали қандайдир ақл бовар қилмайдиган бир лавҳани кузатиб, таажубга тушгандим. Воқеа шундай эди: қайсидир мамлакатнинг энг чекка, олис бир худудида кон кидурув ишларини олиб бораётган махсус экспедиция аъзоларидан бирининг кўли бурғулаш жараёнида билангадан кесилиб кетади. Аксига олиб геологларга бириктирилган вертолёт ҳам чор атрофнинг қалин туманлиги ва кучли бўрон бўлаётганлиги боис ҳавога қўтарила олмайди. Шунда тезкор қақирув билан бир зумда воқеа жойига етиб келган экспедиция шифокори, хорижда таълим олган ёш жарроҳ ҳақиқий матонат кўрсатади.

Авалло ўзини йўқотмасдан қор устида ҳали ҳамон баъзи бармоқлари қимирлаб турган қўлни эҳтиёткорлик билан дистирланган елим халтага салади. Сўнг беҳуш ётган беморни вагон уйда мослаштирилган санитария қароргоҳига олиб келишади. Ёш жарроҳ вагонга ўрнатилган алоқа воситалари орқали спутник ёрдамида хорижда ўзига таълим берган устози билан масофадан туриб онлайн боғланишга муваффақ бўлади. Профессор, таниқли жарроҳ бу пайтда катта аудиторияда талабаларга дарс ўтмоқда эди. Вазиятнинг нечоғлик жиддий эканлигини пайқагач, собиқ талабасини тезда операцияга даъват қилади ва компьютер экранидан аммалиёт жараёнини тўлиқ бошқариб туради.

(Давоми 3-саҳифада)

МУАССИСЛАР ВА “Қишлоқ ҳаёти” УЛАР БИР-БИРИГА КЕРАКМИ?

Мамлакатимиз миқёсидаги нашр саналган “Қишлоқ ҳаёти” ижтимоий-иқтисодий газетасининг нашр этиб келинаётганига 50 йилга яқинлашаёпти. Муассислар деган жойида “Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар” дея қайд этилган. Уларнинг умумий сони 22 та.

“Қишлоқ ҳаёти” газетаси муассислари

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	“Ўзғойсоноат” уюшмаси
Сув хўжалиги вазирлиги	“Агробанк” АТБ
Ўзбекистон Агросоноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси	“Халқ банк” АТБ
“Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси	“Ўзагроосуғурта” АЖ
“Давергеодезакадстр” кўмитаси	“Ўзтўқимачиликсоноат” уюшмаси
“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ	Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги
“Ўзагролизин” АЖ	Гидрометеорология хизмати маркази
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва таморқа ер эгалари Кенгаши	“Ўзкимёсоноат” АЖ
“Ўздонмаҳсулот” АЖ	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси
	“Ўзагросервис” АЖ

Ана, сизга нашрнинг омади, деётгандирсиз? Халқимиздаги бир мақол айнан шу нашрга тегишли. Яъни “Бир чўқимдан берса тўйдиради, бир муштан урса ўлдиради”, деган. Яшириб нима қилдик, бундан бир неча йиллар авал ҳам мақолнинг биринчи жумласи, позитив қисмида фаолиятда эдик. Камида 27-28 минг нусхагача адади бор газета том маънода тўқ бўлади-да. Тўқ бўлиш бу жамиятга самарали хизмат қилиш маъносидатўғри бўлади. Бунда шубҳасиз, шу муассислар қўл қовуштириб ўтирмаганлиги ҳам рост. Фақат гап ададда эмас, муассисларнинг ижодий ва молиявий томондан ҳамкорлиги ҳам кўплар ҳавас қилгулик эди. Ўшамасаям айтайин, касб байрами кунлари уларнинг моддий ва маънавий қўлловлари билан секингина эшикдан мўралаб кириб келишлари жуда ёқимли эди. Хуллас, “эди” барибир “эди”-да, ўтган замон феъли. Фаолият ҳам шунга мос эди, шубҳасиз. Газетамиз чиндан шу муассисларнинг минбари эди. Бугун-чи? Бугун вазият бошқа, деярли кўплаб нашрларда, адад кам ва шу сабабдан иқтисодий тақчиллик. Боиси маълум. Бу ҳақда жар солмаган жойимиз қолмади. Аламли томони шундаки, бир пайтлар кўпгина нашрларга орзу бўлган биздаги ҳолат ҳаммааникидан ачинарли. Ахир атиги 1300-1400 та нусхада газета чиқариб, кимга фойда берамиз, нимага эришамиз? Нега шундай бўлди? Нега бу тақчиллик? Тақчилликдаям ҳаммадан ёмони “Қишлоқ ҳаёти”-да. Бу ўринда нашр яхши бўлса, унинг иши яхши бўлади, деган газетани тушидаям кўрмаганларам уқтираётган чучмалгина ҳақиқатниям тан олайлик. Шу фикр билан таҳририятни койиб тургунингизча бошқа сабаблар ҳақида сўйлаб берамиз.



“Бир чўқимдан берса тўйдиради...”
ёхуд муассислар газета тақдирига нега бефарқ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар буйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва балет-мейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижроачилар, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари билан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

4. Жойларда Мустиқиллик байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижодий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифода этиш; мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада кучайтириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамиятини чуқур таҳлиллар, аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг жамоат-

чилиққа етказиш;

бугунги тинч ва эркин ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижодий натижаларини кўрсатиш;

байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, кекса авлод вакиллари кўллаб-қувватлаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш.

5. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков);

Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Ҳошимов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида Мустиқиллик байрамига бағишлаб

ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

ушбу концерт томошасини тажрибали ижодкорлар ҳамда юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, юксак гоявий-баддий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

6. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Бадиий академия (А.Нуриддинов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов), Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (О.Усаров), “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси (И.Латипов) тегишли ташкилотлар билан биргаликда “Энг улуг, энг азиз”, “Ранглар жипосида – она диёр”, “Ватан учун яшайлик!” каби аънавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

7. Белгилан кўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳошимлик

хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харajatлар сметасига мувофиқ республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов), “Дунё” ахборот агентлиги (С.Суворов), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (Ш.Қудратхўжа) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш буйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

ПАХТАЧИЛИКДАГИ ЯНГИ ОДИМЛАР

ёхуд 40 центнерлик маррани кўзлаб

(Боши 1-саҳифада)

Биргина пахтачиликда ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, соҳага тежамкор технологияларни жорий қилиш орқали ўтган беш йил ичида катта ўзгаришларга эришилди. Бугунги кунда 10 та тумандаги 63 минг 406 гектар пахта майдонлари 7 та пахта-тўқимачилик кластер корхоналарига бириктириб берилган. Шунингдек, кластерларнинг ўзига вилоят буйича тўғридан-тўғри 25 минг гектардан зиёд ер майдони ажратилди. Натижада пахта етиштириш ҳажми йилдан-йилга ошди. Бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил олиш учун керакли барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Вилоят ҳокимининг 2022 йил 13 июль кунги ўтказган ижроия аппарати селектор йиғилишида 15 июлдан 15 август кунигача ғўза парваришида “зарбдор 30 кунлик” эълон қилинди. Барча худудларда асосий эътибор, айни кундаги долзарб агротехник тадбирларни ўз муддатида, сифатли ўтказишга қаратилаётган. Ғўза қатор ораларини култивация қилиш, чуқур юмшатиш, озиклантириш, суғориш, ғўзани баргидан озиклантириш ва чилпиш, чопиқ ишлари жадал суръатларда амалга оширилламоқда. Шунинг ҳам таъкидлашимиз лозимки, кейинги уч йил давомида қўл теримини энгиллаштириш мақсадида кластер корхоналари томонидан 40 та замонавий пахта терим машиналари соҳага олиб кўрилди. Бундан ташқари, пахта-тўқимачилик кластер корхоналари томонидан пахтачилик



соҳасининг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш, соҳада юқори ҳосилдорликка эришилишини таъминлаш мақсадида янги режалар қабул қилинаётган. Жумладан, 2022-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатларини сотиб олиш ва етказиб бериш буйича жами 2815 та қишлоқ хўжалиги техникаларини олиб кириш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Вилоятда қишлоқ хўжалигида фойдаланишда бўлган экин майдонларининг 54 фоизи насослар ёрдамида суғорилди. Айни вегетация даврида ўсимликнинг сувга бўлган талаби ортади. Ана шулар ҳисобга олинган ҳолда томчилатиб

суғориш технологияларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу технологияни 18 минг гектар майдонда жорий қилиш режалаштирилган бўлиб, мавсумда 1304 гектар майдонда амалга оширилди. 2022-2026 йилларда бу кўрсаткични 32005 гектарга етказиш йўлида лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Сирасини айтганда, Наманган вилоятида ҳам бугун бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик йўналишида кенг кўламада ислохотлар олиб борилмоқда. **Равшанбек МИРЗОЛИМОВ** суҳбатлашди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎРНАТИШ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи технологияларни қўллаш борасида Фарғона вилоятида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада фермер хўжалиқларига кредит маблағларини чиқаришда тижорат банклари томонидан бирмунча вақт кечикишларга йўл қўйилган эди. Орадан икки-уч ой ўтиб, бу ишни амалга оширишда силжаш бўлди. Бунда Президентимизнинг жорий йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилда Фарғона вилоятида жами 21 377 гектар ерда сув тежаш технологиялари жорий этилиши керак. Шундан 18 919 гектар ерда томчилатиб, 2 280 гектар ерда ёмғирлатиб, 178 гектар ерда дискрет усулида суғориш тизимини амалга ошириш лозим. 17 800 гектар ерни лазерли текислаш ҳам режага киририлган. Бу ишларни амалга ошириш учун вилоятнинг ҳамма туманларида самарали иш олиб борилмоқда. Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш ишларига тўлиқ пудрат шартномалари тузилган. Вилоятда бугунги кунда сув те-

жовчи технологияларни жорий қилувчи 10 нафар пудрат ташкилоти тасдиқланган бўлиб, улар бевосита далаларда иш олиб бормоқдалар. Туманларда фаолият кўрсатаётган “Агробанк” филиаллари томонидан 8 минг 461 гектар ерда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун 211,5 миллиард сўмлик кредит шартномалари имзоланиб, банк “Андеррайтинг” тизимига киритилди. Август ойи бошида 286 фермерга 11 минг 258 гектар ер майдони учун 129 миллиард 937 миллион сўм маблағ чиқарилди.

Чўл худудидида жойлашган Ёзёнов туманида ғўза майдонларини янгича усулда суғоришга ўтиш учун фермерлар анчадан бери тайёргарлик кўришяётган эди. Яқиндан бери пахта кластери ва банк муассасалари ўртасидаги шартномаларга мувофиқ кредит маблағлари чиқарила бошланди. Бу йил 5210 гектар майдоннинг сув таъминоти яхши бўлмаган



800 гектар пахтазорига томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш режага киритилди. Аслида сув тежовчи технологияларни ўз ерига ўрнатишга талабдорлар бундан ҳам кўп эди. Келаси йилда бу ишни кенгайтиришга қарор қилинди. Иш бошланиб, қурувчи ташкилотлар керакли жиҳозларни олиб келган пайтда банклар томонидан пулини қайтаришга шубҳа қилин-

ганларга бериш пайсалга солинди. Яқиндан бери ана шу маблағлар чиқарила бошланган эди, қурилиш ишлари ҳам юрди. Бугунгача бу ерда фермер хўжалиқларининг 387 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилинди. – Бизда бугўйзорларни ҳам ёмғирлатиб суғоришга ўтказишни хошлаётган фермерлар кўп, – дейди

МУАССИСЛАР ВА “ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ” УЛАР БИР-БИРИГА КЕРАКМИ?

(Боши 1-саҳифада)

Деярли кўпгина нашрларни бундай вазиятда озгина бўлсаюм муассислар моддий ва ташкилий (айтайлик обун ташкиллашда) қўллади. Аммо муассислари кўпчилигидан бечора “Қишлоқ ҳаёти”нинг ҳолини сўрайдигани деярли қолмади. Қаранг, “Чўпон кўп бўлса...” деб бошланувчи негатив мақол ҳам бизга тегишли бўлиб қоляпти. Ҳали номи зикр этилган номдор муассислардан баъзиларининг бош офиси айна дамда газетанинг ўзи бормайди. Газета маблағ сарфланадиган зарурият эмас, деган хулосага келиб бўлишган. Чунки ҳамманинг фикри ҳаёли моддий неъмат олиб келадиган вазибаларга қаратилган. Куйида эса, газетанинг қандай моддий неъмат олиб келиши хусусида айтаемиз...

Авалло ҳали нашр яхши бўлса, нашр иши ўз-ўзидан юришади, деган фикрни ўртага ташлагувчиларга озгина киноя қилиб ўтганимга изох берай. Яъни, нашрнинг моддий неъмат олиб келмайдиган фаолиятга чиқариб қўйилганлиги яхши нашрнинг ҳам қадрини ўлдирди. Нафисламбирини айтганда, бугун яхши нашрлар бор, бор бўлгандаям анчагина. Газетада қўйидиган нарсанинг ўзи йўқ, дегувчиларнинг ўзи газета ўқимаса, яъни нашрни қандай танлайди? Уларнинг ўзида ўқув учун ўқув йўқ. Бу биз келиб қолган ҳолат.

Одамларимиз онгида ўқимишли деганда фақат танқид, танқид бўлгандаям раҳбарларни, раҳбар бўлгандаям каттароқ раҳбарларни танқид қилишни, олди-қочди, ёлғон-яшиққа тўла ёзғирмаларни тушуниш ҳукмрон бўлиб қолгани ачинарли. Нега маърифий, таҳлилий, меҳнат тажрибаси ёритилган, ижтимоий фойдали мақола-ўқимишли бўлмади қолди? Бугун “Қишлоқ ҳаёти” газетасида агромаслаҳатни ўқиш ҳатто фермергаям “не выгодуний” бўлиб қолди. Худди қарғага бошқа худудга бориб келиш малол бўлиб қолганидек. Ана масала қаергача чалкашган? Бугун давлат бюджетидан рақамлари калькулятор кўрсаткичига сизгайдиган даражада молиялаштирилган вазирилик ва идораларимиз ҳам ўз фаолиятида нашрнинг, хусусан, ўз муассислигидаги газетанинг нафақат маънавий-маърифий, балки иқтисодий фойдаси ҳам борлигини умуман ҳис этмайдилар. Ходимнинг, ишчи-хизматчининг маънавий оламини, саводини, савиясини ошириш бесамавр ишми? Шундай қуролланган, боринги, тарбияси рисоладагидек одам бошқачароғига нисбатан ўз ишига масъулиятроқ бўладику? Нимага корпорация ботқоқидан чиқиб кетиши қийин бўлаёпти ташкилотларнинг? Ҳар ҳолда нашр ўқиб юрганлар ҳисобига эмас бу ҳолат. Бу бир томони. Иккинчи томони: ҳар бир касб соҳибининг маҳорат мактаби, тажриба оммалаштирадиган, юқори ташкилотнинг қарашларини етказадиган, оммалаштирадиган қуроли газета эмасми? Нега электрон вариантдан фойдаланаямиз, ҳамма интернетда, деган вақ билан ўзини алдаймиз? Яқинда ўзининг энг оммабоп қишқилари билан республикага танилган бир блогер дўстимизнинг тумандошидан ўша блогерни сўрасам, умамани танимади.

Кейин ўзига бу гапни эслатсам, “Менинг ҳатто кўшним ҳам бу фаолиятимни билмайди, бизда кам одамгина интернетга кириди, мени печкачи деб сўранг”, дейди. Газета энди ўқилмайди, деб юзга чопарлик қилиш осон. Қани газетани манзилга етказингда, бир ҳафтадан сўнг бориб сўранг, ўқибдими, йўқми? Ўқийди, оилада унтагача одам яшайди, нега шундоқ столада турган нарсага беътибор бўларкан? Ҳамма гап шунда. Одамларимизнинг қўлига газета етгунча бўлган жараёндан қочаямиз. Бу анчагина кўп ва маблағ талаб иш. Шундан қочаямиз. Шу йўл билан аста-секин аҳолини газета-журнал мутулаасидан узоқлаштирдик. Энди уларнинг онгида бу воситанинг харидори бўлишдан, унга обун бўлишдан кўра бўлмаслик афзаллигини синдириб қўйдик. Бунинг сабаблари маълум, обун қилишга қаршилиқ, интернет оммалашди каби бездирувчи тарғиботлар. Энди уларнинг шори шу: газет ўзи нимага керак? Газета бу таъм билиб танлайдиган, тана билан ҳисланадиган матомаски, бу эҳтиёжни ҳамманинг ўзи айтаверса. Хўш, масала қандай ечимга эга? Ечим шуки, аҳолини қайси даражадаги фаоллик билан насрдан бездирган бўлсақ, шунинг икки баравар даражасидаги фаоллик билан қайтариш керак. Бунинг йўли...

Бунинг йўли мамлакатимиз Президентининг яқинда имзоланган “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш. Афсуски, бу ҳужжат юзасидан 22 муассисдан ҳали биз томонга шамол тугул, елпигачи елимиз эсгани йўқ. Албатта, тахририятнинг ўзидан нимага мурожаат бўлмаёпти, деган саволни биров бермасаям ўзимизга ўзимиз берамиз. Мурожаатлар бунгача бўлганини кам эмас эди. Айнан шу қарор муносабати билан эса ушбуни мурожаат деб тушунилишини сўраймиз. Зотан, шунча идоранинг ҳар бири эшик оғалик ташкилотлар. Бунинг устига, қачон бу идоралар битта кўнги-роқда раҳбарни улаб берган? Қачон биринчи раҳбарни бошқа биронга ходим бизнинг илтимосини ўз наздикида шунча муҳим масалалар турганда энсақотар гап деб ҳисобламаган? Биз бу ўринда ҳалиги мақолнинг иккинчи қисминини ёддан чиқармаймиз. Яъни “...бир муштдан урса, ўлдирди” деган наготивиям бор. Агар бир чўқимдан бериш лозим топилмаса, бу жумладан келадиган хулосани бажариш керак. Буюм қонунларимизда бор ҳуқуқ. Яъни газета фаолиятини тугатиш керак. Ахир, шунча гигант вазирилик ва идоралар таъсис этган нашрда бир бош муҳаррир ва бир ўринбосар арзиммаган маош эвазига номигагина ҳафтада тўрт саҳифали (илгари ҳафтада уч марта чиқарди) битта сон газета чиқариб ўтириши шу икки ижодий ходимнинг ҳам виждонини қўймайди.

Чори ЛАТИПОВ,

“Қишлоқ ҳаёти” газетаси
бош муҳаррири,
Ўзбекистонда ҳизмат
кўрсатган журналист.

Рустамжон Дусобаевни далада учратдик. У бизга кластер томонидан бу борада бажарилган ишлар алоҳида таҳсинга сазовор эканлигини айтди. Демак, сув тежовчи технологиялар ўрнатилишидан туман сувчилари ҳам, фермерлари ҳам мамнун.

– Бешариқ туманида сув тежовчи технологияларнинг ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Илҳомжон Каримов. – Дастлаб бу ишни собиқ раҳбаримиз, кекса ирригатор Арабжон Фозиллов бошлаб берган эди. Ёзёнов-Марғилон йўли бўйида ёмғирлатиб суғорилган бугўйзордан гектар бошига 80 центнердан ҳосил олинганди. Мана ҳозир унинг издошлари кўпайди.

Кўпгина экин ерлари тошлоқ ва баланд-паст ерларда жойлашган Фарғона туманида жорий йилда 5815 гектар майдонга пахта экиш режалаштирилган. Улар бу йил режадаги 1000 гектар ўрнига ҳозирги кунда 854 гектарга томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишди. Бу туман вилоятда алоҳида ўринга эга. Яқинда бу Фарғона тумани ирригация бўлимининг сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси

Хамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Тиббиёт ютуқлари беморга масофадан туриб хизмат кўрсатилмоқда

(Боши 1-саҳифада)

Ёш жарроҳ беш соат давом этган операцияни қўлоғига тақилган овоз кучайтиргич орқали устози кўрсатмаларига амал қилиб муваффақиятли адо этади. Билагидан узилган қўл шу тарихи телемедицина орқали масофадан туриб бошқариш туфайли ўз ўрнига тикланади ва жуда катта шов шувга сабаб бўлади. Ушундан намойиш этилган кўрсатувдан қаттиқ таъсирлангандим. Тўғриси, телемедицинага оид лавҳа қандайдир фантастикамасмикан, деган ўй ҳам ўтганди хаёлимдан. Яқинда Оҳангарон туманида баайни шу телемедицина йўналишида аҳолига хизмат кўрсатишни бошлаган “Teled Clinic” клиникаси фаолияти билан танишиб, мамлакатимизда соҳага илм-фан ютуқлари ўлароқ, инновациялар тадбиқ этилаётганига яна бир бор амин бўлдим. Гап шундаки, Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига асосан бундан бир йил аввал ҳар бир вилоятдан биттадан ҳудуд инновацион ҳудудга айлантдирилган туманлар рўйхати киритилиши белгиланган бўлиб, ушбу мақомга Тошкент вилоятида аҳоли сонидан келиб чиқиб, япни ҳудуднинг кенглиги, аксарият қишлоқларнинг марказдан анча олисда жойлашганлиги ҳисобга олиниб Оҳангарон тумани танланган эди. Ўтган даврда туманда тиббиётни ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида зарур



ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР



шарт-шароитлар яратилди. Замонавий тиббиёт мажмуаси рўйхатга олиш тадбири ҳам ширилди. Вилоят ҳоқими Зоир Мирзаевнинг ташаббуси билан ушбу касалхона энг сўнгги русумдаги тиббиёт анжомлари билан жиҳозланди. Айни вақтда аҳолига телемедицина хизма-

тини кўрсатиш бўйича инновацион тизимни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам изчил давом эттирилди. Ушбу изланишлар натижаси ўлароқ, яқинда туманда телемедицина хизмати кўрсатувчи янги клиника ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Инно-

вацион ривожланиш вазирлиги, вилоят ва туман ҳоқимларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари мазкур замонавий тизимни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишда муҳим омили бўлди. Шу ўринда ушбу тизим моҳиятини мукамалроқ тушуниш учун ҳақли бир савол пайдо бўлиши мумкин. Хўш, телемедицина нима ўси, унинг қандай афзалликлари бор? Телемедицина бу масофадан туриб беморга хизмат кўрсатиш, тиббиёт ходимларининг телекоммуникация, интернет технологиялари ёрдамида ўзаро фикр алмашиши, ҳамкорликни йўлга қўйиб, тиббий хизмат сифатини оширишидир. Унинг афзалликлари шундаки, олис ҳудудлардаги беморларга ҳам масофадан туриб ташхис қўйиш, даволаш, беморнинг аҳолидан келиб чиқиб худуд-

Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давомида 150 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди

Конституциявий ислохотлар: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.



Унда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси даврида масъул кўмиталар томонидан амалга оширилган ишлар, умумхалқ муҳокамаси якунлари ҳамда режалаштирилаётган масалалар қўриб чиқилди.



Маълумки, Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давомида 150 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди. Бунда тарғибот-тушунтириш ишлари алоҳида аҳамият касб этди.

Қўшма йиғилишида таъкидланганидек, Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилиб, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчиликка тушунтирилди.

Умумхалқ муҳокамаси даврида масъул кўмиталарнинг қарийб 40 га яқин мажлислари ўтказилди. Қўшма мажлисларида мутахассислар, экспертлар, жамоатчилик, ОАВ вакиллари иштирок этишди. Қолаверса, таклифлари долзарб аҳамият касб этган муаллифлар билан учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг берган таклифини бевосита ўзининг иштирокида масъул кўмиталарда муҳокама этилди.

Хусусан, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида яшовчи фуқаролардан келиб тушган оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш ёки тўсқинлик қилиш ман этилиши ҳамда қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлишини Конституцияда акс эттириш ҳақидаги таклифлари масъул кўмиталарнинг жорий йил 29 июлдаги қўшма йиғилишида муаллифларнинг иштирокида муҳокама этилди ва бу таклиф ҳам долзарб деб топилди.

Қўшма мажлисда Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олиниб, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири.**

ҲАР БИР АҲОЛИ ПУНКТИ БЎЙИЧА ЯҲОНА АХБОРОТ БАЗАСИ ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, республикаимизда келгуси йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади. Республикаимизда охириги марта аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилганлигига 33 йил бўлди.

Бунинг натижасида аҳолининг ҳақиқий ҳаёт тарзини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишда қатор қийинчиликлар вужудга келди. Аҳолини рўйхатга олиш жараёни уч босқични қамраб олади. Биринчиси тайёргарлик босқичи бўлиб, бу уч йилга яқин вақт давом этади. Бунда, аҳолининг рўйхатга олиш жараёнида фаол иштирок этиши бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб бориш, реклама роликлари, логотип ва шюрлар ишлаб чиқиш ҳамда аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар, жумладан, рўйхатга олиш варақалари, рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда бошқа шу каби тадбирлар амалга оширилади. Иккинчи, яъни асосий босқич эса 10 кундан 60 кунгача даврни ўз ичига олади. Бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва рўйхатга олиш материаллари топширилади. Учинчи босқичда аҳолини рўйхатга олишга доир бирламчи материаллар маълумотларни қайта ишлаш бўйича ихтисослашган тузилмалар томонидан қабул қилиб олинади, олинган материаллар автоматлаштирилган тизимда қайта ишлашга тайёрланиб, бирламчи маълумотлар автоматлаштирилган дастурларга киритиш учун кодланади, назорат ва тахрир қилинади. Аҳолини рўйхатга олиш бўйича дастлабки натижалар олиниб, олинган натижалар эълон қилинади ва тарқатилади. Мазкур босқич 2 йилдан 3 йилгача

бўлган даврда амалга оширилади. Рўйхатга олиш жараёнида ҳар бир рўйхатга олувчига аҳоли пунктнинг харитасидан келиб чиққан ҳолда 350-450 кишидан, бориши қийин бўлган ва олис ҳудудларда аҳолининг сони ўртача 250 нафардан тақсимот қилиб берилади. Рўйхатга олувчи 12 кун ичида белгиланган аҳолини тасдиқланган шакллар асосида уйма-уй юрган ҳолда рўйхатга олиб чиқади. Олинган маълумотларнинг сир сақланиши кафолатланади. Тўлдирилаётган шаклларда ҳар бир шахс тўғрисидаги маълумотлардан ташқари, турар жойнинг хусусиятлари, яъни яшаш жойида мавжуд қулайликлар, шу жумладан, санитария-гигиеник шароитлар, узоқ вақт мобайнида фойдаланиладиган воситалар билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам олинади. Аҳолини рўйхатга олишда биринчидан, аҳоли сони тўғрисида аниқ маълумотга эга бўламиз, иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий қўрсаткичлар, демографик ҳолат, аҳолининг жинси, ёши, миллати бўйича маълумотларни оламиз. Ушбу кўрсаткичлар иқтисодий ривожланиш дастурлари белгиланишида ёрдам беради. Ҳозирги пайтда дунёнинг деярли барча давлатларида аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу жараёни муваффақиятли ва тўлақонли ўтказиш билан республикамизнинг ҳар бир аҳоли пункти бўйича ягона ахборот базаси яратилади.

**Шаҳзода ЭШҚУЛОВ,
Сергели тумани рўйхатга олиш бўлими бошлиғи.**

ЎЗА ПАРВАРИШИДА ДОЛЗАРБ 30 КУНЛИК барча агротехник тадбирлар инспекция назоратида

Мамлакатимизда ўза парварисидаги белгиланган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини тизимли ташкил қилиш ҳамда ҳар бир гектардан кафолатланган 40 центнердан ошириб ҳосил мақсадида жорий йилнинг 15 июлидан 15 августга қадар ҳосилга ҳосил қўйиш “Зарбдор 30 кунлик” элон қилинган. Шу юзасидан Самарқанд вилоятида ҳам зарур чоралар қўрилиб, ўза агротехникаси ўз вақтида, оптимал муддатларда ва сифатли ўтказилмоқда. Амалга оширилаётган агротехник тадбирлар “Ўзагроинспекция”нинг вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлимлари томонидан кунлик таҳлил этиб бориламоқда.

– Инспекторлар томонидан мавсум давомида қарийб 175 минг гектар майдонда назорат тадбирлари ўтказилиб, 659 та ҳолатда хато ва камчиликлар аниқланган. Аниқланган камчиликлар юзасидан инспекциянинг туман бўлимлари инспекторлари томонидан ҳар битта ҳолат юзаси-



дан фермер хўжалиқларига нисбатан қонунда белгиланган тартибда чора қўриш бўйича оғоҳлантириш хатлари, кўрсатмалар берилиб, маъмурий чоралар қўлланилиб келинмоқда, – дейди “Ўзагроинспекция”нинг вилоят бошқармаси катта инспектори Адилжон Арзикулов. Жумладан, вилоятнинг Паёриқ туманидаги 12 минг 459 гектардаги ўза майдонла-

рида агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилмоқда. Бунинг натижасида пайариқлик деҳқонлар жорий йилда 45-50 центнердан ҳосил йиғиштириб олишни мўлжаллашмоқда.

**Абдували ХУДОЁРОВ,
“Ўзагроинспекция”нинг
Самарқанд вилояти
бошқармаси бош инспектори.**

Эълонлар

Ғаллачилик билан шуғулланувчи фермер хўжалиқлари ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Жорий йилнинг 8 август кунигача Қўшқўпир тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида 2023 йил ҳосилидан супер элита, элита ва кейинги авлодга мансуб бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжалиқлар ўртасида тендер танлови бўлиб ўтади. Танловда қатнашиш истагини билдирган фермер хўжалик ва ташкилотлар раҳбарлари қуйидаги ҳужжатлар тўпламини 3 нусхада туман қишлоқ хўжалиги бўлимида тузилган тендер комиссиясига 5 август кунигача тақдим қилишлари сўралади:

1. Танлов комиссиясига хўжалик (фермер, корхона) номидан ариза
2. Хўжалик (фермер, корхона) номидан тилхат
3. Хўжалик (фермер, корхона) раҳбари мутахассислиги ва маълумоти (димплом нусхаси)
4. Хўжалик (фермер, корхона) раҳбарининг меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжат нусхаси (меҳнат дафтарчаси нусхаси)
5. Хўжалик ери тупроқ унумдорлиги тўғрисида туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг маълумотномаси
6. Дон корхонасидан сўнгги 3 йил давомида хўжалик (фермер, корхона) ғалла сотиш бўйича шартноманинг бажарилганлиги тўғрисида маълумотномаси
7. Туман техника назорати инспекцияси маълумотномаси (тех. паспорт нусхаси)
8. Хўжалик (фермер, корхона) нинг сув таъминоти, ерларнинг шўрланиш даражаси тўғрисида туман қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда ирригация тизими ва мелиорация бўлимининг маълумотномаси
9. Мажбуриятдан озод пул маблағи тўғрисида банк маълумотномаси
10. Қўшимча маълумотлар
11. Ҳужжатларни қабул қилиш 2022 йил 5 августдан тўхтатилади.

Қўшимча маълумот олиш учун Қўшқўпир тумани қишлоқ хўжалиги бўлимининг 32-95-647 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

“ТОШКЕНТ МИНТАҚА” МЧЖ

бошланғич баҳоси олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент педиатрия институтининг 2022 йил 27 июл №06/1372-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй манзилида сақланаётган “Дамас” русумли давлат рақами 01/558 бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган машина бошланғич баҳоси 11 360 000 сум қилиб белгиланиб, аукцион савдосига қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2022 йил 5 сентябрь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: бир кун аввал соат 16:00 да. 2022 йил 5 сентябрь кuni сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 12 ва 19 сентябрь кунлари 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш охириги муддати 1 кун аввал. Савдо қолибига 10 банк кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Қолиб харидор сотилиш баҳосидан 5 фоиз савдо ташкилотчисига тўлаб беради. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини АТБ “Капиталбанк” Яшнобод филиали, х/р:20208000405363013002 МФО: 01136, СТИР:308305364. га ўтказиши керак. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй 90 358-38-07.

Гувоҳнома №.96594

Қалажиқ қалъаси сир-синаотларга бой

✎ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

СУВИГА ЧЎМИЛАСИЗ,
ҚУМИГА ҚЎМИЛАСИЗ

Хоразм вилоятида бир-бирни такрорламайдиган қадимий қалъалар, қадамжолар жуда кўп. Қалажиқ қалъаси ана шундай кўп минг йиллик тарихга эга бўлган қалъалардандир.

Боғот туманида жойлашган обида тарихи эрамиздан олдинги Х асрга бориб тақалади. Уч минг йиллик тарихга эга Қалажиқ-қалъа асосан истеҳком вазифасини бажарган. Унинг ёнида Сулаймон қалъаси ҳам жойлашган бўлиб, тарихий манбаларда уларнинг эгизак қалъа, деб аталгани келтирилади. Қалъа атрофида катта қўл бор ва унинг таркибидagi сув шифобахш хусусиятга эга. Қўлнинг таркибидagi унсурлар Исроилдаги Улик қўлнинг суви билан таққосланганда уларнинг фойдалилик хусусияти ўхшаш экани аниқланган. Ҳар йили 4 мингга яқин сайёҳ тарихий ва тиббий саёҳат учун бу ерга



келади. Ҳозирда дам олувчилар учун қўлайлик яратиш ва мазкур ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш мақсадида махсус лойиҳа асосида алоҳи-

да мажмуа ташкил этилмоқда. Қалъага ёзнинг иссиқ кунларида ташриф буюрувчилар кўп. Одамлар қўлнинг шўр сувида чўмилиб, кум ва балчиғига қўмилиб, оёқ



ва бел оғриғи, тери касалликларига шифо топадилар. Қалажиқ қалъасига хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида кўпга амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, "ОАЗИС" экотуризм фермер хўжалиғи томонидан 18 миллиард сўмлик катта лойиҳа амлага оширилмоқда. Қалъа атрофи ўралиб, қадимий қалъани эслатувчи кичик шаҳарча бунёд этилмоқда. У ерда сайёҳларга йил – йн икки

ой хизмат қилишга мўлжалланган шинам меҳмонхоналар, балиқ тутиб, ҳордиқ чиқариш ва шу ернинг ўзида пишириб ейиш учун шариотлар яратилмоқда. Бешта катта сунъий ва табиий қўллар мавжуд бўлиб, қайиқда сайёҳат қилиш мумкин. Келажақда ушбу лойиҳа тўлиқ ишга тушса, бу ерга келувчи сайёҳларнинг сони янада кўпаяди.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

✎ Қарор ва ижро

ОНКОГЕМАТОЛОГИЯ
ХИЗМАТИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНАДИ

Мамлакатимизда аҳоли, хусусан, гўдақлар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг соғлом вояга етиши имконини берадиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, миллий генофондни ҳар томонлама мустаҳкамлаб бориш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Тармоқдаги кенг қамровли ислохотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиғи, кўлами, сифати ва қўлайлиғи йил сайин ортиб боришига имкон яратмоқда.



Марказимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги "Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 30 ўринли онкогематология бўлимида 3 нафар шифокор, 30 нафардан ортиқ ўрта ва кичик тиббиёт ходими болаларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида икки нафар гематолог-шифокор Республика ихтисослашган гематология илмий текшириш институтида малака оширди. Вилоят болалари ўртасида онкогематологик касалликларни замонавий усулларда ташхислаш ва даволашни йўлга қўйиш учун лаборатория бўлими зарур асбоб-ускуналар ва реактивлар билан таъминланди. Жумладан, онкогематологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича қон таҳлилларини сифатли ўтказиш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 95 миллион сўм ажратилди ва марказга сўнгги русумдаги "LEICA DM 1000 Led" микроскопи келтирилди. У окуляр веб камера орқали компьютерга уланган. Бир вақтнинг ўзида препаратларни микроскопия жараёнидаги тасвирларини компьютер экран орқали кузатиш ва керакли жойларни расмага олиш мумкин. Аҳамиятли шундаки, бундай қўрилма микроскоп орқали кенгайтирилган умумий ўтказиш мумкин. Энг муҳими, таҳлилларнинг сифати яхшиланди. Бугунги кунга қадар туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида ўтказилган скрининг натижалари бўйича онкогематологик касалликка гумон қилинган тўрт нафар болада шу янги микроскоп орқали миелограмма таҳлиллари ҳамда эплит нафар болада кенгайтирилган умумий қон таҳлили ўтказилди. Яқинда давлатимиз раҳ-

бари ўтказган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқ ижроси бўйича болаларга кўрсатилаётган онкогематологик хизмат борасида амалга оширилаётган ишлар, беморларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда оғир онкогематологик касалликлар билан ҳисобда турган бемор болаларга марказлашган ҳолда берилаётган дори-дармонлар таъминоти ҳақида телевидение орқали чиқиш қилдик. Дастлабки ютуқлар ва галдаги вазифалар ҳақида фикр юритдик.

Бугунги кунда илмий бўйича онкогематологик касалликларга чалинган болалар рўйхати шакллантирилди. Натижада олдимизда турган вазифаларга ойдинлик киритиб олдик. Вилоят тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармасига онкогематологик касалликларга чалинган бемор болалар даволанаётган шифохоналарга ташриф буюришга, уларнинг оилаларини тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш бўйича тақлифларимизни ҳавола этдик.

Марказимиздаги онкогематологик бўлимида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ўртасида телемедицинани йўлга қўйиш мақсадида марказ ЮНИСЕФ кўмағида керакли аудиовизуал мосламалар, веб камералар, компьютер жамламалари билан жиҳозланган. Ҳамкорлик қизгин олиб борилмоқда. Мунтазам равишда бемор болаларни самарали ва сифатли даволаш учун телемедицина йўли орқали зарур тавсия ва маслаҳатлар олинди. Бу ишлар фаол давом эттирилади.

Абдулмалик РАҲМОНОВ,

Наманган вилояти

болалар кўп тармоқли

тиббиёт маркази

бош шифокори.

«ВЛАДИВОСТОК-2022»:

КАТТА СПОРТДАГИ
ИЛК ҚАДАМНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Август ойининг илк кунлари юртимиз спортчилари учун қизиқарли мусобақалар, уларда қўлга киритилаётган шода медаллар билан бошланганлиги эътиборли бўлмоқда.



Айниқса, Владивостокда давом этаётган "Осиё болалари" ўйинларининг кечаги беллашувлари якунига кўра, ҳамюртларимиз дзюдо, эркин кураш, енгил атлетика спорт турларида 11 та олтин, 3 та кумуш, 2 та бронза медалига мушарраф бўлиши умумий медалларимиз сони 57 тага етишини таъминлади.

Шиддатли баҳслар сўнггида "Осиё болалари" ўйинларининг ғолиби сифатида енгил атлетикачимиз Мафтуна Аҳмедова, эркин курашчиларимиз Шоҳрух Ёқубов, Улугбек Рашидов, Санжарбек Анварбеков, Дониёр Ибрагимов, Умар Мўйидинов, дзюдочиларимиз Лазиза Ҳайдарова, Фарангиз Омонова, Асадбек Мисиров, Абдулава Шарофиддинов, Ғиёс Ражабов каби ўнлаб спортчиларимизнинг номлари тарихга битилди.

– Владивосток баҳсларида қатнашаётган кўпга ёшларимиз учун бу ўйинлар спорт фаолиятидаги дастлабки халқаро мусобақа бўлди. Илк қадамни ғолиблик, совриндорлик билан бошлаш эса ёшларимизда ўзларига бўлган ишонччи ортиқдир, унинг кетидан ҳали бундан-да юқори ютуқлар юз

очади, – дейди Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазири ўринбосари Абдулла Асланов.

3 август куни ўйинлар дастурига кўра, дзюдо, самбо ва ўқ отиш спорт турларида ғолиблар номи маълум бўлса, соҳил волейболи баҳсларида финалчилар ва 3-ўрин соҳиблари аниқланди. Шунингдек, бокс ва мини-футболда саралаш мусобақалари бўлиб ўтди.

Кеча ўтган илк бокс жангарида терма жамоамиз аъзолари Узуқамол Юнусова (54), Аббос Абдурахимов (70), Нодирбек Аллабергенов (52), Абдуллоҳ Тоҳиров (63) ва Раҳмонжон Қодиров (80) ғолибликка эришганди.

Владивостокдаги "Фетисов арена" спорт мажмуасида давом этаётган бокс баҳсларининг бугунги саралаш жангарида қатнашиш учун 6 нафар ўсмир ва 1 нафар боксчи қизимиз рингга кўтарилди.

Ўйинлар дастуридаги дзюдо мусобақаларининг иккинчи кунги беллашувларида ўғил болалар 60, 66, 73 килограммда, қизлар 48, 52, 57 килограмм оғирлиқда ғолиблик учун татамига чиқишмоқда. Юртимиз самбочилари

"Осиё болалари" ўйинларида тўлиқ таркиб билан қатнашди. Мурасасиз баҳслар якунига кўра, самбочиларимиз 1 та олтин, 2 та кумуш ва 6 та бронза медаллари билан Ўзбекистон спорт делегациясининг медаллар жағмарасига муносиб ўлуш қўшишди.

Ўйинлар дастуридан ўрин олган мини-футбол баҳсларида ҳамюртларимизга омад етишмаяпти. 1 август куни қирғизистонликларга 1:6, 2 августдаги ўйинда Россиянинг Урал феолидери Узуқамол Юнусова (54), Аббос Абдурахимов (70), Нодирбек Аллабергенов (52), Абдуллоҳ Тоҳиров (63) ва Раҳмонжон Қодиров (80) ғолибликка эришганди.

Футболчиларга қараганда бундай мақомдаги халқаро мусобақада илк бор қатнашаётган волейболчиларимиз Владивосток спорт майдонини қайсидир маънода ўзлариники қилиб олишди. Саралаш баҳсларида ишончли ўйнаган волейболчи ўсмирларимиз якунда ўйинларнинг бронза медалига сазовор бўлишди.

Мусобақалар давом этмоқда.

Тўлқин РЎЗИЕВ,

ЎЗА мухбири.

Владивосток.


РЕГИСТРАТОРЛАР
УЧУН ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнида аҳоли пунктларидаги турар жойлар ва бино иншоотлар рўйхатини тузиш, кадастр агентлиги томонидан тайёрланган хариталарнинг мослигини хатловдан ўтказиш, маҳалла ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги хонадонлар рўйхати ва ундаги аҳоли сони тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш мақсадида маҳаллалардан танлаб олинган регистраторлар учун Давлат статистика қўмитасининг ўқитиш дастурига мувофиқ жойларда ўқув семинарлари ташкил этилмоқда. Ана шундай ўқув семинарларининг навбатдагиси Олмазор туманида ташкил этилди. Айтиш лозимки, Олмазор туманида доимий аҳоли сони 304837 кишини ташкил этади. Туманда 59 та МФЙ, 63 мингдан кўпроқ хонадон мавжуд бўлиб, ҳар бир жихати бўйича танлаб олинган 24 нафар регистратор ўқитилмоқда.

Семинар давомида регистраторлар учун ўқув машғулотлари ҳам ташкил этилиб, жараёни биргаликда амалга ошириш ишлари белгиланди.

Дилафруз ТОШМУҲАММЕДОВА,

Олмазор тумани Рўйхатга олиш бўлими бошлиғи.

Ўтишдан олдин китоб
ўқиш ўйқусизликка
қарши курашади

Агар ҳар куни уйқудан олдин китоб ўқишни одат қилсангиз, сизда куйидаги ўзгаришлар содир бўлади:

- Яхшироқ ухлайсиз, китоб ўқиш хотиржам ва соғлом уйқуни таъминлайди.
- Стрессдан қутиласиз, атиги 6 дақиқалик мутолаа ҳам стрессни сезиларли даражада камайтиради.
- Диққатни бир жойга жамлашга ёрдам беради, бу эртанги иш фаолиятимизда сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлади.
- Сезгирлигингиз ошади. Бу бошқа инсонлар нимани ҳис қилаётганини сезишнинг энг аjoyиб усулидир.
- Креативроқ бўласиз, бу ҳар сафар ҳар хил оламни кўришга ёрдам беради.

QISHLOQ
HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Бюртма Г-847. 1326 нусхада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10